**“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти ягона таъсисчисининг 1-сонли**

**Қ А Р О Р И**

2019 йил 26 апрел — Тошкент шаҳри

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

***1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг бошқарув аъзоларини сайлаш.***

***2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ташкилий тузилмасини ва ижро аппарати тузилмасини тасдиқлаш.***

***3. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг бирламчи акцияларини чиқариш.***

***4. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг акцияларини бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.***

***Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:***

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг уставига асосан жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни 5 кишидан иборат ижроия органи амалга оширилиши белгиланган.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 2к-ПО-сонли буйруғига асосан “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқарув раиси этиб Мустафоев Улуғбек Мавлонович тайинланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги 06/1-330-сонли хатига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ижроия органига қуйидаги номзодларни сайлашга розилик берилган:

| | |
|---|---|
| 1. Р.О.Райимов | - бошқарув раисининг электр тармоқларидан фойдаланиш бўйича биринчи ўринбосари; |
| 2. А.А.Аскаров | - бошқарув раисининг иктисод бўйича ўринбосари; |
| 3. Ф.М.Қурбонов | - бошқарув расининг инвестиция лойихаларини амалга ошириш бўйича ўринбосари; |
| 4. В.Х.Примкулов | - жамиятнинг бош ҳисобчиси. |

***Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:***

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ташкилий тузилмаси ва ижро аппарати тузилмасининг лойихалари ишлаб чиқилди (ходимларнинг чекланган сони 102 киши).

Шунга кўра, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва малакали ходимларни ишга олиш мақсадида жамиятнинг ташкилий тузилмаси ва ижро аппарати тузилмасини тасдиқлаш лозим.

***Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда 2к-ПО-сонли “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖни ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинди.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг устави Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Давлат хизматлари марказида 2019 йил 19 апрелда 713732-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг дастлабки устав капитали 3 617 917 940 800 (уч триллион олти юз ўн етти миллиард тўққиз юз ўн етти миллион тўққиз юз қирқ минг саккиз юз) сўм миқдорида тасдиқланган ва номинал қиймати 100 сўм бўлган 36 179 179 408 дона акциялар давлат улуши сифатида жойлаштирилиши белгиланган.

Шунингдек, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг бирламчи устав капиталини мазкур қарорнинг 1-иловасига асосан давлат ва “Ўзбекэнерго” АЖнинг активлари (улушлари)ни баланс қийматида бериш ҳисобига шакллантириш белгиланган.

Бунда жамият устав капиталига берилаётган активлар ва жамият устав капитали ўртасидаги 50 сўм 79 тийин фарқ жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган.

***Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:***

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ акцияларининг бирламчи чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун жамиятнинг акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорини амалдаги қонунчиликка асосан тасдиқлаш лозим.

Жамиятининг бирламчи акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарори Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари (рўйхат рақами 2000, 30.08.2009й.) талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига ва Давлат активларни бошқариш агентлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 2к-ПО-сонли буйруғига асосан **қарор қилинди:**

***1-масала юзасидан:***

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ бошқаруви қуйидаги таркибда сайлансин:

| | |
|---|---|
| 1. У.М.Мустафоев | - Бошқарув раиси; |
| 2. Р.О.Райимов | - бошқарув раисининг электр тармоқларидан фойдаланиш бўйича биринчи ўринбосари; |
| 3. А.А.Аскаров | - бошқарув раисининг иқтисод бўйича ўринбосари; |
| 4. Ф.М.Қурбонов | - бошқарув расининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўринбосари; |
| 5. В.Х.Примкулов | - жамиятнинг бош ҳисобчиси. |

***2-масала юзасидан:***

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ижро аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ бошқаруви раиси У.М.Мустафоевга жамият ижро аппарати ташкилий тузилмасидан келиб чиққан ҳолда жамиятнинг штатлар жадвалини ишлаб чиқиш, шунингдек, жамиятнинг штатлар жадвалини малакали мутахассислар билан тўлдириш топширилсин.

***3-масала юзасидан:***

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан умумий қиймати 3 617 917 940 800 (уч триллион олти юз ўн етти миллиард тўққиз юз ўн етти миллион тўққиз юз қирқ минг

саккиз юз) сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик 36 179 179 408 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларнинг бирламчи чиқарилиши амалга оширилсин.

2. Бирламчи акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин:

акциялар ёпиқ обуна йўли билан Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади;

акциялар жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ичида жойлаштирилади;

ушбу чиқарилишдаги акциялар "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ўртасида биржадан ташқари уюшмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади;

ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматида жойлаштирилади;

акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли "Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги қарори ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 2к-ПО-сонли буйруғига асосан мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган давлат ва "Ўзбекэнерго" АЖ активларини (улушларини) баланс қийматида бериш ҳисобига амалга оширилади;

жамият устав капиталига берилаётган активлар ва жамият устав капитали ўртасидаги 50 сўм 79 тийин фарқ жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олинади;

акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, шу кундан эътиборан ўн кунлик муддатда акциялар учун тўлов сифатида берилган воситалар белгиланган тартибда қайтарилади.

***4-масала юзасидан:***

1. "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖнинг акциялар бирламчи чиқарилуви тўғрисидаги қарори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖ бошқарув раиси У.М.Мустафоевга жамиятининг бирламчи акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

**Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари** **З.Зохидов**

Давлат активларини
бошқариш агентлигининг
2019 йил “___” __________даги
1-сонли қарорига
1-илова

## “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг устав капиталини шакллантириш учун бериладиган давлат ва “Ўзбекэнерго” АЖ улушлари (активлари)

| Т/р | Корхона номи | Давлат улуши | | | “Ўзбекэнерго” АЖнинг улуши (активи) | | | Жами (*сўм*) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | фоиз | Акциялар сони (*дона*) | Номинал қиймати (*сўм*) | фоиз | Акциялар сони (*дона*) | Баланс қиймати (*сўм*) | |
| 1. | “Андижон ҲЭТК” АЖ | 2,38 | 41 980 | 209 900 000,0 | 95,77 | 1 689 960 | 303 057 708 519,0 | 303 267 608 519,0 |
| 2. | “Бухоро ҲЭТК” АЖ | - | - | - | 51,0 | 9 232 300 | 9 232 300 000,0 | 9 232 300 000,0 |
| 3. | “Жиззах ҲЭТК” АЖ | 2,99 | 1 159 344 | 1 159 344 000,0 | 96,68 | 37 525 574 | 420 233 019 121,0 | 421 392 363 121,0 |
| 4. | “Қорақалпоқ ҲЭТК” АЖ | 10,25 | 964 457 | 964 457 000,0 | 88,32 | 8 313 421 | 244 077 095 700,0 | 245 041 552 700,0 |
| 5. | “Қашқадарё ҲЭТК” АЖ | 9,44 | 2 741 464 | 2 741 464 000,0 | 89,37 | 25 964 819 | 214 130 146 300,0 | 216 871 610 300,0 |
| 6. | “Наманган ҲЭТК” АЖ | - | - | | 95,21 | 10 896 003 | 306 663 881 000,0 | 306 663 881 000,0 |
| 7. | “Навоий ҲЭТК” АЖ | - | - | - | 98,78 | 247 763 803 | 138 146 008 284,0 | 138 146 008 284,0 |
| 8. | “Самарқанд ҲЭТК” АЖ | 8,90 | 995 110 | 995 110 000,0 | 89,53 | 10 011 233 | 154 551 119 000,0 | 155 546 229 000,0 |
| 9. | “Сурхондарё ҲЭТК” АЖ | 7,93 | 1 198 596 | 1 198 596 000,0 | 91,29 | 13 805 811 | 270 118 863 118,0 | 271 317 459 118,0 |
| 10. | “Сирдарё ҲЭТК” АЖ | - | - | - | 98,34 | 22 868 273 | 297 607 064 281,0 | 297 607 064 281,0 |
| 11. | “Тошкент шаҳар ҲЭТК” АЖ | 4,27 | 12 245 302 | 1 224 530 200,0 | 95,39 | 273 820 684 | 430 789 601 512,79 | 432 014 131 712,8 |
| 12. | “Тошкент ҲЭТК” АЖ | 10,35 | 40 322 244 | 4 032 224 400,0 | 89,34 | 348 217 318 | 468 812 854 015,0 | 472 845 078 415,0 |

| Т/р | Корхона номи | Давлат улуши | | | “Ўзбекэнерго” АЖнинг улуши (активи) | | | Жами (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **фоиз** | **Акциялар сони** *(дона)* | **Номинал қиймати** *(сўм)* | **фоиз** | **Акциялар сони** *(дона)* | **Баланс қиймати** *(сўм)* | |
| 13. | “Фарғона ҲЭТК” АЖ | - | - | - | 51,0 | 21 134 250 | 21 134 250 000,0 | 21 134 250 000,0 |
| 14. | “Хоразм ҲЭТК” АЖ | 12,69 | 9 948 329 | 994 832 900,0 | 86,89 | 68 102 907 | 324 843 571 500,0 | 325 838 404 400,0 |
| 15. | “ЭҲНАТни жорий этиш дирекцияси” МЧЖ | - | - | - | 100,0 | - | 1 000 000 000,0 | 1 000 000 000,0 |
| 16. | Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган “Энергосотиш” филиалининг биноси (1-литер) | - | - | - | - | - | 0,0 | 0,0 |
| | **Жами** | | | **13 520 458 500,0** | | | **3 604 397 482 350,79** | **3 617 917 940 850,79** |

| **«ТАСДИҚЛАНГАН»** | **«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»** |
|---|---|
| **“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти ягона таъсисчисининг 2019 йил 26 апрелдаги 1 - сонли қарори билан** | **Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан** |
| **Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари** | **Бош директор** |
| **___________ З.Зохидов** | **___________А.Назиров** |
| **2019 йил 26 апрел** | **2019 йил ___ __________** |
| | **____________ - сон** |
| **М.Ў.** | **М.Ў.** |

**АКЦИЯЛАР БИРЛАМЧИ ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

**“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти**

| Идентификация рақами берилди: | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**Ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 36 179 179 408 (ўттиз олти миллиард бир юз етмиш тўққиз миллион бир юз етмиш тўққиз минг тўрт юз саккиз) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий акциялардан иборат.**

**Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.**

**Акцияларнинг ушбу чиқарилиши биринчи чиқарилишдир.**

Тасдиқланган: “Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти ягона таъсисчисининг 2019 йил 26 апрелдаги 1-сонли қарори билан.

“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти ягона таъсисчисининг 2019 йил 26 апрелдаги 1-сонли қарори асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, электрон почта манзили ва мулоқот телефонлари:

100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 6-уй, телефон:(+998 71) 236-61-11, электрон почта: info@het.uz

**Эмитентнинг раҳбари** **У.М.Мустафоев**

**Бош бухгалтер** **В.Х.Примқулов**

Муҳр 2019 йил ___ апрел

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR AKSIYADORLIK JAMIYATI * Hududiy Elektr Tarmoqlari

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури:**оддий;**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **ҳужжатсиз;**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **100 (бир юз) сўм;**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **36 179 179 408 (ўттиз олти миллиард бир юз етмиш тўққиз миллион бир юз етмиш тўққиз минг тўрт юз саккиз) дона;**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **3 617 917 940 800 (уч триллион олти юз ўн етти миллиард тўққиз юз ўн етти миллион тўққиз юз қирқ минг саккиз юз) сўм;**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

**Акциядорлар:**
**жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;**
**депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;**
**жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;**
**жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкииг бир қисмини олиш;**
**акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;**
**жамиятнингмолия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;**
**олган дивидендини эркин тасарруф этиш;**
**қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;**
**ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;**
**ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;**
**қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.**
**Шунингдек, акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.**

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

**Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас.**

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли "Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги қарори, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 2к-ПО -сонли "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖни ташкил этиш тўғрисидаги буйруғига ва жамият ягона таъсисчисининг 2019 йил 26 апрелдаги қарорига асосан ёпиқ обуна усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **3 617 917 940 800 (уч триллион олти юз ўн етти миллиард тўққиз юз ўн етти миллион тўққиз юз қирқ минг саккиз юз) сўм;**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони:

**Илгари акциялар жойлаштирилмаган, ушбу акциялар чиқарилиши бирламчи ҳисобланади.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони:

**Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули:

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли "Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги қарори, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 2к-ПО -сонли "Hududiy elektr**

**tarmoqlari" АЖни ташкил этиш тўғрисидаги буйруғига ва жамият ягона таъсисчисининг 2019 йил 26 апрелдаги қарорига асосан ёпиқ обуна усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар, жамият давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида жойлаштирилади.**

***Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси:*** **Акцияларнинг бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган сана.**

***Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси:*** **Ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган сана, лекин жамият давлат рўйхатига олинган санадан 365 кундан ошмаслиги лозим.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ўртасида биржадан ташқари уюшмаган бозорларда тўғридаи-тўғри битим тузиш ва Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади.**

**Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришга андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.**

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

**Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш "Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси" давлат корхонаси томонидан амалга оширилади.**

**"Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси" давлат корхонаси ҳақида маълумот:**

**Тўлиқ номи: "Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси" давлат корхонаси;**

**Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат корхонаси;**

**Жойлашган жойи- 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шохкўчаси 107 уй;**

**Почта манзили - 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шохкўчаси 107 уй;**

**телефон: 8(371)267-37-42, Факс: 8(371)267-36-87. e-mail: info@deponet.uz, вэб манзили: www.deponet.uz.**

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

**Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг чиқарилиши бирламчи ҳисобланиб, жамиятнинг ягона таъсисчисига жойлаштирилаётганлиги муносабати билан акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш кўзда тутилмаган.**

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматида жойлаштирилади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

**Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли "Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги қарори, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 2к-ПО -сонли "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖни ташкил этиш тўғрисидаги буйруғига ва жамият ягона таъсисчисининг 2019 йил 26 апрелдаги қарорига асосан "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖнинг бошланғич устав капитали мазкур қарорнинг иловасида кўрсатилган давлат ва "Ўзбекэнерго" АЖ активларини баланс қийматида бериш хисобидан амалга оширилади.**

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

**Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, шу кундан эътиборан ўн кунлик муддатда акциялар учун тўлов воситалари белгиланган тартибда қайтарилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

**Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ошкор қилинади.**

**Акциялар бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарор асл нусхаси билан барча манфаатдор шахслар Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 6-уй манзилида танишиши мумкин.**

13. Бошқа маълумотлар.

**Кўзда тутилмаган.**

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг
2019 йил “26” апрел даги
акциялар чиқариш тўғрисидаги
қарорига илова

**“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг устав капиталини шакллантириш учун бериладиган давлат ва “Ўзбекэнерго” АЖ улушлари (активлари)**

| Т/р | Корхона номи | Давлат улуши | | | “Ўзбекэнерго” АЖнинг улуши (активи) | | | Жами *(сўм)* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | фоиз | Акциялар сони *(дона)* | Номинал қиймати *(сўм)* | фоиз | Акциялар сони *(дона)* | Баланс қиймати *(сўм)* | |
| 1. | “Андижон ҲЭТК” АЖ | 2,38 | 41 980 | 209 900 000,0 | 95,77 | 1 689 960 | 303 057 708 519,0 | 303 267 608 519,0 |
| 2. | “Бухоро ҲЭТК” АЖ | - | - | - | 51,0 | 9 232 300 | 9 232 300 000,0 | 9 232 300 000,0 |
| 3. | “Жиззах ҲЭТК” АЖ | 2,99 | 1 159 344 | 1 159 344 000,0 | 96,68 | 37 525 574 | 420 233 019 121,0 | 421 392 363 121,0 |
| 4. | “Қорақалпоқ ҲЭТК” АЖ | 10,25 | 964 457 | 964 457 000,0 | 88,32 | 8 313 421 | 244 077 095 700,0 | 245 041 552 700,0 |
| 5. | “Қашқадарё ҲЭТК” АЖ | 9,44 | 2 741 464 | 2 741 464 000,0 | 89,37 | 25 964 819 | 214 130 146 300,0 | 216 871 610 300,0 |
| 6. | “Наманган ҲЭТК” АЖ | - | - | | 95,21 | 10 896 003 | 306 663 881 000,0 | 306 663 881 000,0 |
| 7. | “Навоий ҲЭТК” АЖ | - | - | - | 98,78 | 247 763 803 | 138 146 008 284,0 | 138 146 008 284,0 |
| 8. | “Самарқанд ҲЭТК” АЖ | 8,90 | 995 110 | 995 110 000,0 | 89,53 | 10 011 233 | 154 551 119 000,0 | 155 546 229 000,0 |
| 9. | “Сурхондарё ҲЭТК” АЖ | 7,93 | 1 198 596 | 1 198 596 000,0 | 91,29 | 13 805 811 | 270 118 863 118,0 | 271 317 459 118,0 |
| 10. | “Сирдарё ҲЭТК” АЖ | - | - | - | 98,34 | 22 868 273 | 297 607 064 281,0 | 297 607 064 281,0 |
| 11. | “Тошкент шаҳар ҲЭТК” АЖ | 4,27 | 12 245 302 | 1 224 530 200,0 | 95,39 | 273 820 684 | 430 789 601 512,79 | 432 014 131 712,8 |
| 12. | “Тошкент ҲЭТК” АЖ | 10,35 | 40 322 244 | 4 032 224 400,0 | 89,34 | 348 217 318 | 468 812 854 015,0 | 472 845 078 415,0 |

| Т/р | Корхона номи | Давлат улуши | | | “Ўзбекэнерго” АЖнинг улуши (активи) | | | Жами *(сўм)* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **фоиз** | **Акциялар сони** *(дона)* | **Номинал қиймати** *(сўм)* | **фоиз** | **Акциялар сони** *(дона)* | **Баланс қиймати** *(сўм)* | |
| 13. | “Фарғона ҲЭТК” АЖ | - | - | - | 51,0 | 21 134 250 | 21 134 250 000,0 | 21 134 250 000,0 |
| 14. | “Хоразм ҲЭТК” АЖ | 12,69 | 9 948 329 | 994 832 900,0 | 86,89 | 68 102 907 | 324 843 571 500,0 | 325 838 404 400,0 |
| 15. | “ЭҲНАТни жорий этиш дирекцияси” МЧЖ | - | - | - | 100,0 | - | 1 000 000 000,0 | 1 000 000 000,0 |
| 16. | Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган “Энергосотиш” филиалининг биноси (1-литер) | - | - | - | - | - | 0,0 | 0,0 |
| | **Жами** | | | **13 520 458 500,0** | | | **3 604 397 482 350,79** | **3 617 917 940 850,79** |

# Структура
# исполнительного аппарата АО «Региональные электрические сети»




**"Согласовано"**
Заместитель министра энергетики
Республики Узбекистан

________________ Ш.Ходжаев

Общая предельная численность управленческого персонала – 102 ед.
* численность технического и обслуживающего персонала определяется в соответствии с установленными нормами.
** Председатель Правления вправе вносить изменения в пределах численности штатного расписания по согласованию с Министерством энергетики Республики Узбекистан.

# Организационная структура АО «Региональные электрические сети»




**"Согласовано"**

Заместитель министра энергетики
Республики Узбекистан
_______________ Ш.Ходжаев